

«ДКЗ» АЖ бошқарув раиси

О.А.Курбоновга



«12» 04 2022 й

“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун автотранспорт хўжалигидаги 12 дона енгил хизмат автомашиналари, 8 дона хизмат автобуслари, 1 дона ГАЗЕЛЬ русумли микроавтобус ва 22 дона хар хил маркадаги автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича

Техник топширик

## МУНДАРИЖА:

- 1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ
- 2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)
- 3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)
- 4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)
- 5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ
- 6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
- 7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)
- 8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
- 9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР
- 10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР
- 11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ
- 12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

### 1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи) ишлаб чиқариш эҳтиёжи автотранспорт цехи балансида бўлган 12 дона енгил хизмат автомашиналари, 8 дона хизмат автобуслари, 1 дона ГАЗЕЛЬ русумли микроавтобус ва 22 дона хар хил маркадаги автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизматини кўрсатиш.

### БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Жами 43 дона транспорт воситаларини техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиш хизматини кўрсатади. Хизмат кўрсатувчи томонидан ушбу техник топшириқда кўрсатилган хизматлар буюртмачининг талабномасига асосан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши зарур.

Буюртмачи жойлашган манзил ва кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, мазкур техник топшириқда кўрсатилган хизматларни бажариш учун бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин.

### 3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)

Иш режими – 8-00дан 17-00гача.

Хизмат кўрсатувчидан 2022 йил апрель ойи давомида ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, автотранспорт цехи балансида бўлган 12 дона енгил хизмат автомашиналари, 8 дона хизмат автобуслари, 1 дона ГАЗЕЛЬ русумли микроавтобус ва 22 дона хар хил маркадаги автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизматини кўрсатади. Транспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиш жамият томонидан тасдиқланган Uz TR 191 : ГОСТ 33997-2016, Uz TR 326 умумий техник регламентининг 2- иловаси асосида бажариб бериши талаб этилади. (техник регламент алоҳида илова билинмоқда)

### 4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Хизмат кўрсатиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида жойлашган «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг манзили бўйича кўрсатилади.

5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР  
ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ  
ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

2022 йил апрель ойи давомида ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, автотранспорт цехи балансида бўлган хар хил маркадаги автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизмати Буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган калькуляцияга асосан, белгиланган нах асосида хизмат кўрсатиш нархи белгиланади. Бажарилган ишлар учун тўловлар, ишларни бажарилганлигини (хизматларни кўрсатилганлигини) тасдиқловчи барча ҳужжатлар олинганидан кейин 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилиши зарур, лекин бу муддат 15 (ўн беш) календар кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН  
ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА  
ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматлар давлат стандартларига мос келиши ва кафолатли бўлиши шарт. Хизмат кўрсатувчидан ваколатли органлар томонидан берилган рухсатнома ёки лицензия талаб этилмайди.

7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ  
КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Хизматни кўрсатиш муддати – 2022 йилнинг апрел-май ойлари.  
Автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизмати буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзолангандан кейин амалга оширилади.

8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ  
ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизматини кўрсатган ташкилот кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасигача ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун буюртмачига тақдим қилади.

Ишларни бажарганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар буюртмачи томонидан тақдим қилинган юк хатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳужжатлари ҳисобланади. Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома буюртмачининг тегишли мутахассислари томонидан имзоланади.

Ҳисобот даври бўйича давлат буюртмачиси ва ишларни (хизматларни) кўрсатувчи ташкилот раҳбарияти томонидан далолатнома расмийлаштирилиб имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

**9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА  
(МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**

Автотранспорт воситаларини 2022 йил учун техник кўрик олди ташхисини (диагностика) ўтказиб бериш хизмати Буюртмачи томонидан тақдим этилган транспорт воситалари рўйхати асосида бажарилиши ҳисобга олинади. Кўрсатилган хизматлар учун талабнома Буюртмачининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бўлиши таъкидлаб ўтилсин.

**10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ  
КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР**





Хизмат кўрсатувчи ташкилотда зарурий рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаганлиги учун жавобгарлик хизмат кўрсатувчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Хизмат кўрсатувчининг айби билан буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнида носозлик кузатилганда ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзига юклатилган вазифаларни етарлича бажармаганда тузилган умумий шартнома суммасининг 50%гача миқдориди хизмат кўрсатувчи ташкилотга жарима қўлланилади. Шу билан бир вақтда хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартномани буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиш кўриб чиқилади.

Ушбу техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажариши (хизматларни кўрсатиши) мумкин бўлган потенциал ташкилотларга мазкур ишларни бажариш бўйича танлов бошлангунига қадар буюртмачининг объектларига ташриф буюриши, иш ҳажми ва ишларни бажариш шарт-шароитлари билан жойида танишиши учун имконият яратиб берилади.

**11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Қисқартма	Қисқартманинг тўлиқ ёйилмаси
-	-	-

<b>Ишлаб чиқди:</b>	
Логистика бўлими иктисодчиси.	 Жумашев.К.
<b>Келишилди:</b>	
Логистика бўлими бошлиғи.	 Норсафаров.З.
Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи	 Холтураев С
Автотранспорт цехи бошлиғи	 Амиркулов.З



"ДКЗ" АЖ баалансда бўлган 8 дона махус хизмат автобусларини, 12 дона хар хил турдаги энгил хизмат автомашиналари, 1 дона

микровавтобус ҳамда АТЦ да мавжуд 22 дона хар хил турдаги юк автотранспорт воситаларини техник кўрик олдн тахисини (диагностика) 2022

йил давомида ўтказиш бўйича КАЛЫКУЛДИИСИ

МКС ош

№	Номи	Улчов бирлиги	Энгил автомашиналар сони	Суммаси сумда	Жами суммаси сумда	Хизмат автобуслари	Суммаси сумда	Жами суммаси сумда	Микровавтобус	Суммаси сумда	Жами суммаси сумда	Махус юк автомашиналари	Суммаси сумда	Жами суммаси сумда	Умумий сумма
1	Тормоз системаларини текшириш	дона	12	20450	245400	8	112000	872540	1	10300	10300	22	124350	2735700	3863940
2	Амортизатор ва осма кўрилмаларини текшириш	дона	12	41500	498000	8	91250	872540	1	85000	85000	22	94300	2074600	3530140
3	Спидометр курсаткичларини текшириш	дона	12	40200	482400	8	70250	872540	1	95000	95000	22	85000	1870000	3319940
4	Гиддраклар харакатини ўзгартишни назорат қилиш	дона	12	35500	426000	8	52600	872540	1	56000	56000	22	64500	1419000	2773540
5	Рул бошқаруви ва кўрилмалари ишлаганин текшириш	дона	12	30500	366000	8	51600	872540	1	82000	82000	22	67800	1491600	2812140
6	Бензин ва дизель двигателда ишлаб чиқарилган газ микдорини аниқлаш	дона	12	29800	357600	8	53600	872540	1	62500	62500	22	68200	1500400	2793040
7	Электр қисмини ишлаши, электроизоляция ва нормаларини текшириш	дона	12	30500	366000	8	58400	872540	1	85600	85600	22	68500	1507000	2831140
8	Автомашина санитария хоплати, мед аптечка ва оғнегуштилелларни мавжудлигини текшириш	дона	12	28500	342000	8	61200	872540	1	53680	53680	22	75400	1658800	2927020
9	Автомашина тех паспортига киритилган ёзувларни кайта текшириш	дона	12	27300	327600	8	75200	872540	1	62500	62500	22	81600	1795200	3057840
10	Автомашина кўзови конструкцияси ва бошка элементларни текшириш	дона	12	25300	303600	8	82300	872540	1	72500	72500	22	88220	1940840	3189480
	<b>ЖАМИ:</b>				<b>3 714 600</b>			<b>8 725 400</b>			<b>665 080</b>			<b>17 993 140</b>	<b>31 098 220</b>

Калыкуляцияни ишлаб чикди:

Логистика бўлими иктисодчиси:

*(Signature)*

К.Жумашев

КЕЛИШИЛДИ:

СР ва БР бўлими бошлиғи

*(Signature)*

С.Холпураев